

## ХАЛҚАРО МИГРАЦИЯНИ ТАРТИБГА СОЛИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

*Абдуллаева Раъно Гафуровна*  
ЎзМУ, доцент  
*Абдуллаев Умиджон Гафурович*  
Эркин тадқиқотчи

Ҳозирги глобаллашув кучайиб бораётган дунёда одамларнинг давлатлар аро турли мақсадларда кўчиб юриши кенг тус олди. Миграция - бу халқаро чегара орқали ёки мамлакат ичида ҳаракатланиш жараёни бўлиб, сабабларидан қатъий назар, одамларнинг ҳар қандай ҳаракатини қамраб олади. Халқаро Миграция Ташкилоти (ХМТ) мигрантни “шахснинг шахсий қулайлиги сабабли ва мажбурловчи омил аралашувисиз эркин миграцияга қарор қилган барча ҳолатларни қамраб олувчи” атама сифатида белгилайди<sup>1</sup>.

Миграция ихтиёрий ва мажбурий тарзда юзага келади. Ихтиёрий миграцияда одамлар ўз уйларини ўз хоҳишларига кўра тарк этишади, яъни бу юқори даромадга эга бўлиш, юқори лавозимларга кўтарилиш учун имкониятлар излаш, ҳаёт сифатини ошириш ва бошқалар билан боғлиқ бўлади. Мажбурий миграция, асосан, таъқиблар, уруш, очарчилик каби омилларнинг натижаси бўлиб, одамлар асосан ҳуқуқлари бузилганлиги сабабли қочиб кетишади. Бироқ, ҳар доим ихтиёрий ва мажбурий омилларнинг комбинацияси мавжуд бўлади. Кўпгина муҳожирлар ҳам иқтисодий сабабларга кўра, ҳам инсон ҳуқуқлари бузилишидан қочиш учун ўз мамлакатларини тарк этишади.

Мигрантларнинг куйидаги турлари ажратилади:

- **Вақтинчалик меҳнат муҳожирлари** (Булар кўпинча гастарбайтер сифатида аталади)
- **Юқори малакали ва ишбилармон мигрантлар:** трансмиллий корпорациялар ва халқаро ташкилотларнинг халқаро меҳнат бозорида ҳаракатланувчи мутахассислар
- **Ноқонуний мигрантлар:** зарур ҳужжатлар ва рухсатномаларсиз мамлакатга кирадиган шахслар
- **Мажбурий мигрантлар:** қочқинлар, бошпана изловчилар ёки ташқи омиллар, масалан, қуроли тўқнашувлар ёки экологик офатлар натижасида кўчиб ўтишга мажбур бўлган шахслар
- **Мигрант оила аъзолари:** аллақачон кўчиб келган қариндошларига қўшилганлар
- **Қайтган муҳожирлар:** бошқа давлатда маълум муддат бўлгандан кейин ўз ватанига қайтган шахслар.

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясида мамлакат ичида ва ундан ташқарида эркин ҳаракатланиш ҳуқуқи тан олинган. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси 13-моддасида “ҳар бир инсон ҳар бир давлат ҳудудида

<sup>1</sup> Глоссарий по миграции,

МОМ, [http://www.iom.int/jahia/webdav/site/myjahiasite/shared/shared/mainsite/published\\_docs/serial\\_publications/Glossary\\_eng.pdf](http://www.iom.int/jahia/webdav/site/myjahiasite/shared/shared/mainsite/published_docs/serial_publications/Glossary_eng.pdf)

эркин ҳаракатланиш ёки яшаш жойини танлаш ҳуқуқига эга” ва “ҳар ким исталган давлатни, шу жумладан ўз мамлакатини тарк этиш ва ўз мамлакатига қайтиш ҳуқуқига эга” дейилади. Бироқ, яшаш жойини танлашни инсон ҳуқуқи сифатида тан оладиган халқаро ҳужжатлар мавжуд эмас. Аммо мигрантлар ҳам инсон ҳуқуқларига эга. Инсон ҳуқуқлари қоидалари ҳаммани, жумладан, мигрантларни ҳам қамраб олади. Бироқ, кўпинча қочоқлар, бошпана изловчилар, меҳнат муҳожирлари ва бошқа шунга ўхшаш гуруҳлар учун инсон ҳуқуқлари халқаро қонунлари кафолатлайдиган ҳуқуқлар ва улар дуч келадиган ҳолатлар ўртасида катта тафовут мавжуд. Уларнинг инсоний ҳуқуқлари, жумладан, яшаш, эркинлик ва хавфсизлик ҳуқуқи кўпинча бузилади. Қабул қилувчи жамиятдаги бегоналар сифатида улар маҳаллий тилни, қонунларни ёки ижтимоий урф-одатларни билмаслиги мумкин, бу уларнинг ҳуқуқларини билиш ва улардан фойдаланиш имкониятларини чеклайди. Улар ишда ва кундалик ҳаётда камситишларга дучор бўлишлари мумкин, бундан ташқари, улар ирқчилик ва ксенофобияга дучор бўлишлари ва нафрат билан боғлиқ жиноятлар қурбони бўлишлари мумкин.

Муҳожирларнинг инсоний ҳуқуқларини таъминлайдиган, жумладан, муайян мигрантлар гуруҳларига қаратилган бир қатор ҳужжатлар ва механизмлар мавжуд. Масалан, таъқибдан бошпана сўраш ҳуқуқи Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясида инсон ҳуқуқи сифатида тан олинган. Бу ҳуқуқ 1951-йилда қабул қилинган Қочоқлар мақоми тўғрисидаги БМТ Конвенциясининг асоси ҳисобланади. Ушбу Конвенция қочоқларни ҳимоя қилишнинг асоси бўлиб, бир қатор асосий тамойилларга, хусусан, камситмаслик, жазоламаслик ва қайтариб юбормасликка асосланади.

1950 йилда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси Қочоқлар бўйича БМТ Комиссари Бюросини ташкил қилди, унинг мақсади барча одамларнинг бошпана сўраш ҳуқуқидан фойдаланишини таъминлашдан иборат. Бюро қочоқларни ҳимоя қилиш бўйича халқаро саъй-ҳаракатларни бошқаради ва мувофиқлаштиради ва ушбу Конвенцияга риоя қилинишини назорат қилади.

БМТнинг 1990-йилда қабул қилинган “Барча меҳнат муҳожирлари ва уларнинг оила аъзоларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги халқаро конвенцияси миграция ва инсон ҳуқуқлари соҳасидаги энг кенг қамровли халқаро шартнома ҳисобланади.

Конвенция муҳожирлар учун янги ҳуқуқларни яратмайди, балки тегишли давлат фуқаролари билан солиштирганда тенг муомала ва меҳнат шароитларини назарда тутди. Конвенцияда айтилишича, барча мигрантлар ҳимоянинг минимал даражасидан фойдаланишлари керак. У бир давлатдан иккинчи бир давлатга ноқонуний ҳаракатланишнинг олдини олиш, шунингдек, тартибсиз вазиятда муҳожирларни ишга жойлаштириш чораларини кўришни талаб қилади, лекин ҳужжатсиз муҳожирларнинг асосий инсон ҳуқуқлари кафолатланиши кераклигини ҳам таъкидлайди. Меҳнат мигрантларининг ҳуқуқий мақоми тўғрисидаги Европа Кенгаши Конвенцияси (1977) меҳнат муҳожирлари ва уларнинг оила аъзоларининг ҳуқуқларини таъминлаш, уларнинг ижтимоий ривожланиши ва фаровонлигини рағбатлантириш учун асос яратади.

Республикамызда ҳам хорижда меҳнат қилаётган фуқароларимизни ҳимоя қилиш борасида кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилди. Жумладан, фуқароларимизнинг хорижда меҳнат фаолиятини юритиш бўйича ўз ҳуқуқларини амалга оширишга ёрдам кўрсатиш мақсадида Президентимизнинг 2019 йил 20 августдаги “Хорижда вақтинчалик меҳнат фаолиятини амалга ошираётган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ва уларнинг оила аъзоларини ҳимоя қилиш кафолатларини янада кучайтириш чоралари тўғрисида”<sup>2</sup>ги фармони, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 23 августдаги “Хорижда вақтинчалик меҳнат фаолиятини амалга ошираётган Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”<sup>3</sup>ги қарори асос бўлади. Ушбу меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар хорижда вақтинчалик меҳнат фаолиятини амалга ошираётган Ўзбекистон Республикаси фуқароларини ижтимоий ва ҳуқуқий ҳимоялаш чоралари билан қамраб олиш кўламини кенгайтиради, фуқароларимизни хорижда ва Ватанимызда уюшган тарзда ишга ёллаш, тайёрлаш, мослаштириш тадбирларини амалга ошириш ва ишга жойлаштириш жараёнларини самарали бошқариш ва назорат қилиш йўлларини белгилайди.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, республикамызда олиб борилаётган бандлик ва меҳнат миграцияси соҳасидаги чора-тадбирлар БМТнинг барқарор ривожланиш мақсадларига эришиш, қашшоқликка қарши курашиш ҳамда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишни кенгайтиришни таъминлайди. Шу муносабат билан хорижий давлатларда миграция жараёнларини тартибга солишнинг замонавий ва самарали шаклларини излаб топиш, аҳоли миграцияси соҳасидаги асосий халқаро ҳужжатларга, энг аввало БМТнинг “Барча мигрантлар ва уларнинг оила аъзолари ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги конвенциясига қўшилиш, меҳнат ресурсларини импорт қилувчи янги мамлакатлар билан битимларни имзолаш мақсадга мувофиқ бўлади.

<sup>2</sup> <https://lex.uz/docs/4482648>

<sup>3</sup> <https://lex.uz/docs/4482648>